

А Ж Р И М

ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида

Protected by PDF Anti-Copy Free

2024 йил сентябрь ойининг 04 кунини, жиноят ишлари бўйича Данғара туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи Ш.Ком

А.Сотволдиевнинг катта прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Абдуфуров, гумон қилинувчи М.З ва унинг химоячиси “Ҳақиқат тарафдори” адвокатлар ҳайъати адвокати О.Хабибуллаев, жабрланувчи Ш.Дни иштирокида,

3.М.Т, 1981 йил
07 декабрда Олтиариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали 3 нафар фарзанд бор, муқаддам судланмаган, ёлланма ишчи, Олтиариқ тумани, “Гулобод” МФЙ, Бўрболик маҳалласи, Сетора кўчаси, 26-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан 1-1509-2402/229-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят иши хужжатларига кўра, гумон қилинувчи М.З 2024 йил 19 сентябрь куни соат 14:30 ларда бошқарувидаги “NEXIA1” русумли 40 R 562 FB давлат рақам белгили автомашинани тегишли хужжатлар билан Данғара тумани, Телеминг МФЙ, Телеминг қишлоғи ҳудудида бошқариб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-г бандидаги, транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларга мажбурдирлар: ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, ногиронлар, қариялар ва велосипетчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шартлиги, 77-бандидаги, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги ҳақидаги қоидаларини қўпол тарзда бузиб, йўлнинг ўзига нисбатан чап томонидан ўнг томонига кесиб ўтаётган пиёдачи Ш.Дни уриб



юбориб, йўл транспорт ходисаси содир этган, натижада Ш.Д тан жароҳати олиб, шифохонага мурожаат қилган.

Судга оид тебибый экспертизасининг 2024 йил 26 сентябрдаги 5780-сонли хулосасига, Ш.Дда унги бек болдир суякларини пастки учлигидан ёпик синиб силжиши ва шу сохалар атрофида юмшоқ тўқималарни лат ейиши, ўнг болдир пастки учлигида қонни аниқланиб, бу тан жароҳатлари меҳнат қобилиятини учдан бир қисмида қисқариши ҳақида қўрсатилган.

Дастлабки тергов органи томонидан гумон қилинувчи М.Зга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Жабрланувчи Д.Ш.М судда, ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, гумон қилинувчи М.Зга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, моддий зарар гумон қилинувчи томонидан тўлиқ қоплангани, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи З.М.Т судда, ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг аризаларини иш ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, прокурор катта ёрдамчиси Э.Ғофуров ва химоячи О.Хабибуллаевнинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, гумон қилинувчи М.Знинг айбига иқрорлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплангани, жабрланувчига бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг ихтиёрий равишда ўзаро ярашиб олганликларини инобатга олиб, жиноят ишини иш юритишдан тугатишни;

жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586 моддаларга амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



Гумон қилинувчи 3.М.Т. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан азод қилинсин.

М.3га нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Ажримдан норози тарафларнинг ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида Фарғона вилоят судига хусусий шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ш.Комилов

